

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР “ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ЭЗГУ ТАМОЙИЛИГА УЙҒУН ЯНГИЛАНИШЛАР НАТИЖАСИДИР

Президент Шавкат Мирзиёев 4 декабрь куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш ҳамда келгусидаги вазифаларни фаоллар иштирокида белгилаб олиш учун Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари сафарининг биринчи манзили Сирдарё туманидаги “River Med Pharm” корхонаси бўлди.

Мазкур корхона мамлакатимизда инфузион дори воситаларини ишлаб чиқариш бўйича етакчилардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган инфузион эритмаларнинг 20 фоизи айнан ушбу корхонага тўғри келади.

Бундай дори воситалари бемор ҳаёти учун энг муҳим тиббий маҳсулотлардан бири саналади. Уларни тайёрлаш оддий таблеткалар ишлаб чиқаришдан анча мураккаб. Чунки бу турдаги эритмалар тўғридан тўғри қон томирларига юборилади. Демак, улар мутлақ стерил шароитда, юқори аниқлик ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берган ҳолда ишлаб чиқарилиши шарт.

Лойиҳанинг умумий қиймати 30 миллион доллардан ортиқ бўлиб, ҳозирги кунда корхонада 750 нафар одам доимий иш билан таъминланган. Корхона йилига 135 миллиард сўмлик қийматда 70 турдаги, умумий ҳисобда 114 миллион дон дори воситаларини ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотларнинг 20 фоизи экспорт қилинаётгани корхонанинг халқаро рақобатбардошлигини кўрсатади.

Ноябрь ойида лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилиб, ишлаб чиқариш қувватлари янада кенгайтирилди. Корхона 30 миллион дон инфузион эритмалар, 70 миллион дондан ортиқ қуруқ антибиотиклар ва қарийб 20 миллион дон кўз-бурун томчиларини ишлаб чиқаради.

Давлатимиз раҳбарига корхона маҳсулотлари ва навбатдаги режалари ҳақида маълумот берилди.

Келгусида корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари 200 хилга етказилади. Бу босқичда шиша ва пластик идишлардаги инъекция учун эритмалар, шунингдек, таблетка ҳамда капсулалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Иш ўринларининг сони мингтагача оширилади.

Президентимиз шу ерда вилоят фаоллари ва нурунийлар билан мулоқот қилди.

Иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, ёшлар тарбияси ва ҳудуднинг келажагига оид муҳим масалалар юзасидан очиқ суҳбат бўлди. Давлатимиз раҳбари одамлардаги ташаббускорлик ислохотлар самарасини оширишда ҳал қилувчи омил эканини таъкидлади.

➤ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И З.О. ТУРДИМОВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Эркинжон Оқбутаевич Турдимов** Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 4 декабрь

СИРДАРЁ ТАРОНАСИ

Сирдарёда уйғониш.
Ўтди қанча ғам-ташвиш.
Ўтди рутубатли қиш,
Сирдарёда уйғониш.
Қишга инқироз бўлсин,
Уйғонишнинг рост бўлсин.

Биз барчамиз — бир дарё,
Элу халқимиз — бир дарё.
Бизга шу тақдир дарё,
Она дарё, Сирдарё,
Халқ сенга қиёс бўлсин —
Уйғонишнинг рост бўлсин.

Гоҳ биздан қочганларинг,
Мунг ютиб шошганларинг,
Мўл бўлиб тошганларинг —
Ризқ йўлини очганларинг.
Тўлғонишнинг рост бўлсин,
Уйғонишнинг рост бўлсин.

Бу эл — менинг элимдир,
У менга муаллимдир.
Букун нажот — илмдир,
Таълим, таълим, таълимдир.
Эҳтиром, эъзоз бўлсин,
Уйғонишнинг рост бўлсин.

Уйлар қур, мактаблар қур,
Мақтаниб, мактаблар қур,
Қалбингга нақш айлаб қур,
Умрингни бахш айлаб қур,
Маърифат асос бўлсин,
Уйғонишнинг рост бўлсин.

Ким бизнинг улуғлардир —
Олам ҳам улуғлайдир.
Элни нурга чулғайдир,
Қизларингни улғайтир.
Улғайишнинг рост бўлсин,
Уйғонишнинг рост бўлсин.

Тўра Сулаймон бир ён',
Жумла ғазалхон бир ён.
Ҳалима хушхон бир ён,
Мактаб — ижодхон бир ён.
Ҳар китоб — устоз бўлсин,
Уйғонишнинг рост бўлсин.

Гапим эмас енгил гап,
Ё шунчаки кўнгил гап,
Ҳар ука, ҳар сингилга,
Ҳар дил, ҳар бир кўнгилга,
Шундоқ илтимос бўлсин:
Уйғонишнинг рост бўлсин.

Қалбим, сен ҳам қўп, қалққин,
Қарздорсан шу халқнинг.
Қарзин бажаргил халқнинг,
Фарзин бажаргил Ҳақнинг.
Куй-хонининг рост бўлсин,
Уйғонишнинг рост бўлсин.

Ифтихор

Салкам қирқ милён кўкрак
Ичра урар бир юрак.
Эл-юрт, миллат муштарақ,
Уйғоқ юраклар керак.
Замон иқтибос бўлсин,
Уйғонишнинг рост бўлсин.

Сирдарё, кенг жаҳонсан,
Уйғоқ кавну маконсан.
Бугун — буюк қарвонсан,
Зўр қарвонга Сарбонсан,
Келажакка равансан.
Эл-юрт сарафроз бўлсин,
Уйғонишнинг рост бўлсин.

Сирожидин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири



*Тўра Сулаймон сатри

Конституция — инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!



Ҳақим ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

ҲАР БИР ИСЛОХОТ ХАЛҚ УЧУН, ҚОНУН ҲАЁТ УЧУН

КОНСТИТУЦИЯ — ДАВЛАТНИНГ ЮРАГИ

Инсон ҳамиша яхшилик, имконият ва адолат истайди. Янги Ўзбекистонда ҳар бир қонун ва ўзгаришлар айнан шу мақсадда амалга оширилмоқда — одамларни фаровон этиш, улар учун янги имкониятлар яратиш ва келажакка ишончини мустаҳкамлаш. Бугун Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинаётган ҳаётий қонунлар амалда ишлармоқда. Ҳар бир оила ва унинг аъзолари, қолаверса, бутун жамият учун бекиёс ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳақиқатан, бугун фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятларини чуқур англаб етмоқда. Бу жараён давлат ва халқ ўртасидаги бирдамликни, жамиятда адолат устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мана, бу йил Конституциямизнинг 33 йиллик тарихий санасини нишонламоқдамиз. Айтиш лозимки, ўтган даврда Бош қонунимиз мустақиллигимизнинг рамзи бўлибгина қолмай, ҳар бир фуқаро учун имконият ва ишонч манбаи сифатида намоён бўлди. Қонунлар орқали амалга оширилган ўзгаришлар адолат мезони сифатида аниқ натижа бермоқда ҳамда халқ билан давлат ўртасидаги ришталарни мустаҳкамламоқда.

➤ Давоми 3-бетда

КОНСТИТУЦИЯ — ИНСОН ҚАДРИ, ЭРКИНЛИК, ТЕНГЛИК ва АДОЛАТ гарови!

ҲАҚ ҚОНУН ИСЛОҲОТ ХАЛҚ УЧУН, ДАВЛАТ ҚОНУН ҲАЁТ УЧУН



Танзила НОРБОЕВА,
Олий Мажлис Сенати Раиси

Бошланиши 1-бетда

Чунки Конституция — давлатнинг юраги. Унинг бир маромда, тиниқ ишлаб туриши мамлакатнинг бугунги ҳаёти ва барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир дунёда турли синовлар, иқтисодий ва сиёсий беқарорликлар кузатилаётган бир пайтда мамлакатимизнинг тинчлиги, барқарорлиги ва нуфузини сақлаб қолиш осон эмас. Бундай шароитда бош қонунимиз халқни бирлаштириб, давлатимиз суверенитетини мустаҳкамлашда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

Бош қонун халқнинг хоҳиш-иродаси, барча мақсад ва орзу-умидларини ифода этади. Конституциядаги “Халқ давлат ҳокимиятини бирдан-бир манбаидир” деган сўзлар шунчаки шiori эмас, балки давлат бошқаруви тизимининг асосий ғоясидир. Бугун юртимиздаги барча ислохотлар, қабул қилинаётган қарор ва қонунлар айнан шу тамойилга таянади.

Айниқса, охириги йилларда Конституция халқни давлат ишларига чинакам шерик қилди, десак муболага бўлмайди. Энди одамлар ўз овози, фикри ва ташаббуси билан юрт тақдири, тараққиёти йўлида фаол иштирок этипти. Бу аҳолининг давлатга ишончи, давлатнинг эса халқ олдидagi масъулияти сезиларли даражада ошганини аниқлади. Ҳар бир янги қонун, ҳар бир ислохот ортда инсон манфаати, фаровон ҳаёти туради. Шу боис, Конституция фақат давлат учун эмас, ҳар бир ота-она, ҳар бир ёш, фуқаро учун ҳаётнинг дасурдир. Президентимиз илгари сурган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган ғоя бугун конституциявий тамойил сифатида ҳаётимизнинг барча жабҳасида ўз ифодасини топмоқда.

Бугун давлат сиёсати марказида инсон омили турибди. Халқ вакиллари органлари, ижро ҳокимиятининг энг қўйи бўғинларига ҳам халққа хизмат қилиш, унинг ишончини оқлашга бел боғлаган. Конституция эса мана шу жараёнларни қонуний йўлга қўйиш ҳамда адолатли амалга оширилишини таъминлашда асосий қафолат вазифини ўтамоқда.

Узоқ эмас, яқин ўтмишда ҳам одамлар арзигамаган масаласини ҳал қилиш учун ҳужжат йиғиш, ариза топириш, ёрдам сўраш учун идорама-идора сарсон бўлиб юрарди. Эшиклар ёпиқ, сўз эшитилмас, муаммо ечимсиз қоларди. Ҳозир эса вазият бутунлай бошқача. Бугун давлат хизматчисининг ўзи одамларнинг эшигини таққиллатяпти, дардини эшитяпти, муаммосини ечишга кўмаклашяпти.

Бу гоанинг моҳияти шундаки, давлат — халқ учун яратилган тузилма, халқ унинг хизматида эмас, балки давлат халқнинг хизматида бўлиши шарт. Чунки давлатнинг кучи — халқнинг бирдамлигида, ишончида. Бу янги Ўзбекистон халқчил сиёсатининг қатъий тамойилидир.

Демак, Конституциядаги бу ғоя сўзда эмас, амалда ҳаётимизга сингиб бормоқда. Энг муҳими, буни халқимиз ҳис қилапти: кимдир идора эшигидан кирганда ҳурмат билан қабул қилинса, кимнингдир муаммоси тингланса, ҳал этилса, мана шунинг ўзи ҳақиқий “халққа хизмат” деган сўзнинг маъносидир.

ЯНГИ ТАХРИР — ЯНГИ БОСҚИЧ

Бугун юртимизда қонунларни замон талабларига мослаштириш, идораларни одамларга яқинлаштириш ва ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини таъминлаш устида изчил ва қатъий ишлар бажарилаётган. Бу жараён янги тахрирдаги Конституцияда ўзининг аниқ ифодасини топди. Бунинг маънода

халқимизнинг яқдиллиги ва ҳамжиҳатлиги асосида яратилган бош сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат дейиш мумкин.

Ҳақиқатан, 2023 йил 30 апрель кунин мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ референдумида янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган тарихий воқеа бўлди. Унда халқимизнинг энг олий ва эзгу мақсади — янги Ўзбекистонни барпо этиш орзу-умиди ва интилишлари муҳим, десак тўғри бўлади.

Авалло, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида Конституциямизнинг нормалари янада такомиллаштирилди. Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида изчил конституциявий ислохот амалга

орган сифатида халқнинг хоҳиш-иродаси, орзу-истакларини давлат ҳужжатларида акс эттиради ва уларнинг амалда рўёбга чиқишини назорат қилади. Депутатлар, сенаторлар халқ билан учрашади, уларнинг муаммолари ва эҳтиёжларини тинглайди. Бу эса парламентнинг ҳақиқий халқларварлик тамойилига асосланганини кўрсатади.

Қонунлар ва парламент орқали таъминланган адолат нафақат ҳуқуқни ҳимоя қилади, балки ишбилармонликни қўллаб-қувватлайди, меҳнат ва ижтимоий соҳаларда тенгликни таъминлайди. Масалан, ҳар бир ходим ўз меҳнати учун ҳақ олиши, оила эҳтиёжини қоплаши, кекса авлод нафақа пулини ўз вақтида олиши — буларнинг барчасини қонун қафолатлайди.

Шу тариқа қонун устуворлиги ва парламентнинг фаолияти халқ ва давлат ўрта-

“ Янги Ўзбекистонда қонун устуворлиги давлатнинг асосий пойдеворига айланди. Бу — давлат органлари ва ҳар бир фуқаро қонун олдида баробар, ҳеч ким ўзини қонундан юқорида деб ҳисоблай олмайди дегани. Қонун устуворлиги адолатни таъминлаш билан бирга халқимиз ҳаётида аниқ ва сезиларли ўзгаришларни амалга оширишда муҳим асосдир.

оширилди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини ҳаётга табиқ этишда янги тахрирдаги Бош қонунимизнинг тўғридан тўғри ижросини таъминлашга қаратилган таъсирчан чоралар белгиланди.

Янги тахрирда халқимизнинг кўп асрлик тарихий тажрибаси ва бой маданий қадриятлари билан бирга замонавий дунёнинг конституциявий принциплари таянчилгани

сидаги ишонч кўпригини мустаҳкамлайди. Халқ ўз фикри ва овози орқали давлат ҳаётида фаол иштирок этади, давлат эса халқ манфаатларини биринчи ўринга қўяди. Бу янги Ўзбекистонда демократиянинг амалии намоёни ва халқларварлигининг энг асосий мезонидир.

Конституциямиз асосида шаклланган Олий Мажлис, яъни парламент давлат



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

Конституциямизнинг ҳаётлилиги ҳамда умрбоқийлигини таъминлади. Унда асосий эътибор инсон ҳуқуқлари, адолатли суд тизими, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Энг муҳими, Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида белгиланди. Энди ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шаъни, қадр-қимматини асраш давлат сиёсатининг асосий йўналишига айланди, давлат ва халқ ўртасидаги яқдиллик янада мустаҳкамланди.

Муҳим жиҳати, Конституцияга ўзгариш киритиш жараёнида юртдошларимизнинг фикри алоҳида эътиборга олинди. Бу жараёнда аҳоли ўзгаришлар кузатувчиси эмас, балки фаол иштирокчи сифатида ўзини намоён этди. Аслини олганда, бош қонунимизнинг ҳақиқий кучи ҳамда тараққийпарварлиги халқимизнинг теран тафаккури, юксак онгининг маҳсулидир.

ПАРЛАМЕНТ — ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК

Янги Ўзбекистонда қонун устуворлиги давлатнинг асосий пойдеворига айланди. Бу — давлат органлари ва ҳар бир фуқаро қонун олдида баробар, ҳеч ким ўзини қонундан юқорида деб ҳисоблай олмайди дегани. Қонун устуворлиги адолатни таъминлаш билан бирга халқимиз ҳаётида аниқ ва сезиларли ўзгаришларни амалга оширишда муҳим асосдир.

Парламент бу жараёнда энг муҳим кўприк вазифини бажаради. У қонун чиқарувчи

бошқарувнинг энг муҳим сиёсий институтидир. У орқали халқнинг иродаси давлат сиёсатининг асосий йўналишига айланади. Қонунлар эса фақат назарий ҳужжатлар эмас, балки фуқаролар ҳаётида амалга ошиши лозим амалии қондалар бўлади.

Сўнгги йилларда депутатлар, сенаторлар фақат қонун чиқариш билан чекланмай, халқ билан учрашиб, одамларнинг муаммоларини тинглаяпти. Бу парламентнинг ҳақиқий халқпарварлик тамойили асосида ишлаётганини кўрсатади. Депутатларнинг халқ вакиллари деб аталмиш юксак рутбадаги асосий вазибалари электратининг манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам яққол кўринмоқда.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнидаги ҳар бир босқичда буни кузатиш мумкин. Батъан айрим қонунлар муҳокама-сида баҳсли вазиятлар, тортишувлар юзга келади. Буларнинг барчаси, биринчи галда, мана шу қонундан фойдаланувчи одамлар, қолаверса, ҳудудлар манфаатларини тўлақонли акс эттириш билан боғлиқ. Халқ вакиллари — сенаторлар, депутатлар қатъий туриб уларни ҳимоя қилади.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Олий Мажлис Сенатининг биринчи ялпи мажлисида қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий кенгашларни кен жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиётини йўлга қўйиш муҳимлигига бежиз эътиборимизни қаратмади. Зеро, ҳудудларнинг ўзига хос хусусияти ва имкониятлари ҳисобга олинмаган қонунлар кўйи бугунда самарали ишлаймайди.

Сўнгги йилларда маҳаллий кенгашлар ҳудудлар ҳаётининг барча жабҳасида сезиларли даражада фаоллашди. Жумладан, қонун ижодкорлигида ҳам уларнинг иштироки кенгайди. Ҳозир Сенат кўмиталарининг

муҳокамалар жараёнида маҳаллий кенгаш депутатлари билан кўпроқ ишланмоқда, уларнинг таклиф ва мулоҳазалари қонунларни янада такомиллаштириш. Президентимиз таъкидлаганидек, уларда ҳудудий ва умумдавлат манфаатлари уйғун бўлишига эришишда муҳим ўрин тутмоқда.

Янги тахрирдаги Конституциямизда Сенатта қонунчиликка оид тақлифларни қонунчилик ташаббуси тартибиде киритиш ҳуқуқи берилгани ҳудудлардаги муаммоларни бартараф этиш, аҳолини қийнаб келаятган масалаларга қонуний ечим топиш борасидаги фаолиятимиз самарадорлигини оширди.

Ҳақиқатан, жамият, давлат ривожлангани сари қонунлари ҳам такомиллашиб бораверади. Тараққиёт ҳаётимизга янгидан-янги тушунчалар, ижтимоий муносабатларни олиб қиради. Уларни мунтазам тартибга солиш ва мослаштириб бориш жамиятнинг ортқча муаммолардан халос қилади. Парламентда қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар халқнинг ҳаётига бевосита таъсир этади. Масалан, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт ва ишбилармонлик соҳасидаги қонунлар аҳоли ҳаётини яхшилашга қаратилган. Шу орқали парламент нафақат қонунлар қабул қилади, балки ҳар бир оила, ҳар бир инсон учун ҳақиқий ҳимоячига айланади.

АДОЛАТ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ МАРКАЗИЙ ҒОЯСИ

Янги тахрирдаги Конституциямиздаги нормалар адлия, суд ва ички ишлар тизимларида адолат ва очиликни таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишларни тўдан янги босқичга олиб чиқишда жуда муҳим. Одамлар ҳақ-ҳуқуқларини осон ҳимоя қилмоқда, давлат халқ эҳтиёжини таъминлаш ва аҳолига зарур ёрдам кўрсатиш борасидаги мажбуриятларини бажаришга масъулият билан ёндашмоқда.

Хусусан, аёллар ва ёшлар учун янги имкониятлар очилди — улар билим олиш, касбия қилиш, оила қуриш, қобилият ва истедодини эркин рўёбга чиқаришда тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Юртдошларимиз мамлакат ривожига шахсий ҳисса қўшишини бурч сифатида англамоқда ва шу йўлда ўзини сафарбар этмоқда. Конституция чин маънода ҳар бир фуқарода “Мен жамият ҳаётида ўз ўрнин билан муҳимман. Менинг ҳар бир эзгу фикрим, орзу-умидларим ҳамда барча саъй-ҳаракатларим жамият учун қадрийдир” деган ишончини мустаҳкамламоқда.

Ҳа, ҳар бир инсон яхши яшаш, меҳнати учун муносиб маош олиш, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши ва кексайганда нафақа билан таъминланишини истайди. Бу инсоннинг асосий ҳақ-ҳуқуқларидан бири бўлиб, келажакка ишончини мустаҳкамлайди. Шу боис, янги тахрирдаги Конституцияда адолат жамият ва давлат муносабатларининг асосий ғояси сифатида белгиланди, “давлат — жамият — шахс” парадигмаси “инсон — жамият — давлат”

тамойилига ўзгартрилди. Бу инсон манфаати давлат учун устувор йўналиш эканини аниқлади. Шу орқали давлат ва жамият ҳамкорлигида ҳар бир фуқаро учун адолатли, эркин ва фаровон муҳит барпо этилди.

Масалан, суд тизимида адолат ва очиликни таъминлаш, ижтимоий ёрдам самарадорлигини ошириш, меҳнат ва таълим соҳасида ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасидаги янгиланишлар халқимиз ҳаётидаги кўплаб ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Шу тариқа янги тахрирдаги Конституция нафақат қонунлар асоси, балки ҳар бир инсоннинг ҳаётида адолат, ишонч ва ҳуқуқнинг қафолатига айланди.

Чиндан ҳам айни қунларда Конституция ва қонунлар орқали таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқ ва қонунийлик каби барча соҳалар ривожланиб, халқ ҳаёти фаровонлашиб бормоқда. Хусусан, охириги йилларда мактабга, мактаб ва олий таълим муассасалари замонавий талаб-

ва шахс фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади, албатта.

Сўнгги йилларда тиббий хизматлар аҳоли учун қулай, сифатли ҳамда оммавий тарзда ташкил қилинмоқда. Кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш имконияти кенгайтирилди ва кексаларнинг саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳуқуқ ва қонунийлик соҳасидаги ўзгариш ва янгиланликлар ҳам эътиборга лойиқ. Бугун суд ва ҳуқуқ-тартибот тизимлари янада шаффоф, адолатли ишламоқда. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини осон ҳимоя қилиши мумкин.

Президентимиз табири билан айтганда, “Биз инсон қадр-қиммати ва манфаатларини таъминлаш бўйича бошлаган ислохотларимизни янги конституциявий маконда янада қатъий давом эттирамиз. Халқимизнинг хоҳиш-иродасига биноан Асосий қонунимизда ўз аксини топган тамойилларни тўлиқ рўёбга чиқаришимиз



“ Халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз равнақининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи бош қонунимиз юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, оила тақдирида, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажакда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоғи учун биз — сенаторлар зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис қилишимиз, том маънода халқчил Сенат сифатида мана шу жараёнларда янада фаол бўлишимиз, давлатимиз раҳбари айтганидек, кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик билан қаттиқ меҳнат қилишимиз талаб этилади.

ларга мослаштирилди. Ёшлар билим олиш, касбий имкониятини кенгайтириш, илмий тадқиқот ва инновациялар орқали давлат ҳамда жамият ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу йўналишда маҳаллий ва халқаро тажрибалардан самарали фойдаланилмоқда, устуворлар ва олимлар учун янги имкониятлар очилди.

Иқтисодиёт ва ишбилармонлик доирасида ҳам изчил ислохотлар ўтказилди. Кичик ва ўрта бизнес қўллаб-қувватланмоқда, инвестициялар жалб қилинмоқда ва янги иш ўринлари очилмоқда. Замонавий технологиялар ва рақамли иқтисодиёт одамларга катта имкониятлар эшигини очди. Бу ҳар бир оила

ва ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантиришимиз лозим”. Дарҳақиқат, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз равнақининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи бош қонунимиз юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, оила тақдирида, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажакда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоғи учун биз — сенаторлар зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис қилишимиз, том маънода халқчил Сенат сифатида мана шу жараёнларда янада фаол бўлишимиз, давлатимиз раҳбари айтганидек, кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик билан қаттиқ меҳнат қилишимиз талаб этилади.



Бугун дунёда ичимлик сув муаммоси долзарб масалага айланган. Сув захира-лари тобора камайиб бораётгани етмагандек, экологик вазият ҳам ёмонлашиб, табиий манбалар ифлосланиши ортмоқда. Айниқса, ҳали номини унутишга улгурмаганимиз ко-вид пандемияси ва бошқа турли инфекция-ли касалликлар сабаб ичимлик сув сифати ва тозалиги борасидаги хавотиримиз ошган. Кейинги йилларда бунга одамларнинг сув ва канализация тармоқларини йирик чиқин-дилар билан тўлдиришга одатланиб қолгани ҳам қўшилипти. Яъни ичимлик сув сифати борасидаги шубҳаларимизга хатти-ҳаракат-ларимиз ҳам асос бўлмоқда.

Шу боис, бугун яна ушбу долзарб масала-га қайтиб, пойтахтимизда ичимлик сув таъ-миноти кўрсаткичи, истеъмолга яроқлилик ва тозалик даражаси, кўпчиликни қийнайдиган оқова муаммолари ҳамда янги қабул қилин-ган Сув кодекси борасидаги саволларга ой-динлик киритишни мақсад қилимиз. Сўхбатдо-шимиз — “Тошкент шаҳар сув таъминоти” акциядорлик жамияти директори ўринбо-сари, бош муҳандис Умид МЕЛИКОВ.

— Охириги йилларда пойтахт аҳолиси орасида дўконларда сотиладиган ичимлик сувдан нафақат чанқоқ қондириб, балки кундалик истеъмол воситаси сифатида фойдаланадиганлар сони ортган. Сўра-сангиз, жўмракдан оқаётган сув сифати талабга жавоб бермаслиги, шу боис, кун-далик эҳтиёжларда ҳам сотувдаги тоза-ланган сувдан фойдаланаётганини айтиш. Хўш, чиндан ҳам шаҳар аҳолисига етказиб берилаётган ичимлик сув истеъмол талаб-ларига жавоб бермайдими?

— Ҳақиқатан, одамлардан шу масала билан боғлиқ қўйлаб саволлар келади. Бун-и тўғри тушуниш керак. Боиси, тобора кес-кинлашиб бораётган экологик муаммолар, қолаверса, одамларнинг табиатга бевосита зарарли хатти-ҳаракати, истайимизни-йўқми, сувга ҳам таъсирини кўрсатаяпти. Болалиги-мизда ариқларда оқаётган сувга бемалол нон ботириб ердик. Ҳозир эса ариқларга қара-сангиз, ҳатто қўл ювишга ботина олмайсиз. Унда оқиб келаётган чиқиндилар экологик маданиятимиз қай даражада эканини аққол кўрсатади.

Бундай вазиятда ичимлик сув масаласида ҳам хавотирлар бўлиши табиий. Аммо бир нарсани ишонч билан айти оламизки, бугун Тошкент шаҳри аҳолисига етказиб берилаёт-ган ичимлик сув ҳар томонлама тоза ва шаф-фоф бўлиб, ичишга тўла яроқли. Боиси, соҳа олдида турган асосий вазифа аҳолини мусаф-фо, тақрор айтман, тоза ичимлик сув билан таъминлашдан иборат. Бу доимий назоратта олинган. Хусусан, Тошкент шаҳри аҳолисига етказиб берилаётган сувнинг сифати ҳамиса кузатиб борилади. Сув иншоотларидаги мах-сус лабораторияларда 28 дан ортиқ кўрсат-кич бўйича текширувдан ўтказилиб, меъёрга келтирилгандан кейингина истеъмолчиларга узатилади. Сувни тозалаш бир неча босқич-да амалга оширилиб, бунинг учун жуда катта меҳнат, кимёвий воситалар сарфланади. Жа-раёнда 4500 дан ортиқ одам меҳнат қилади. Қолаверса, шаҳар тармоқларига етказилган тоза ичимлик сув кун давомида ҳам бир неча маротаба текширилиб, намуналар лаборато-рия шароитида таҳлил қилинади. Лабора-торияларга энг замонавий русумдаги хорижий технологиялар олиб келинган. Бу ҳам таҳлил ишларини янада аниқ, тезкор амалга оши-ришга хизмат қилади.

Баъзида юртдошларимиз жўмракка филтър ўрнатиш борасида ҳам саволлар беради. Ушбу қурилма умумий тармоқдан келаётган ичимлик сувни тозалаб бериши-га ишонишади. Лекин пойтахтда аҳолига етказиб берилаётган сувга филтър ўрнатиш шарт эмас. Тўғри, филтър ўрнатилганда сув тозадек, юмшоқдек туюлади, аммо қурилма ишлаши давомида сув ичидаги минерал эле-ментларни сўриб олади. Бундай сув истеъмол қилинганда организмдаги минерал модда-ларни ювиб чиқиб кетади. Яъни жўмракдан оқаётган сувнинг ўзи 20 дан ортиқ минерал моддага тўйинган бўлиб, ҳар томонлама исте-теъмолга яроқлидир. Бир қарашда хирароқ кўриниши эса таркибидagi минерал тузалар билан боғлиқ. Аслида, сув аҳолига тўлиқ тоза-ланган, зарарсиз ҳолда етказилади ва уни бемалол истеъмол қилса бўлади.

— Мамлакатимиз аҳолиси 38 миллион кишини ошиди. Бу ҳар бир ҳудуд, хусусан, Тошкент шаҳрида одамлар сони ўсиб бораётганидан далолат. Хўш, ичимлик сув таъминоти-чи, бу борадаги кўрсаткич қандай? Оширилган тўлов нархига яраша хизмат кўрсатиляптими?

— Тошкент шаҳрида аҳолига ичимлик сув бериш 1931 йилдан бошланган. Ўшанда би-ринчи бўлиб “Бўзсув” сув иншооти очилган. Дастлабки вақтларда аҳолига бир суткада 3000 куб метр сув берилган. Ҳозир иншоотда 230 минг куб метр атрофида сув тозаланиб, аҳолига узатилади. Пойтахт аҳлига ҳар сутка-да бериладиган сув ҳажми эса 2 миллион куб метр атрофида. Ҳозир Тошкент шаҳрига асо-сий сув ҳажмини етказиб бевуви “Қодирия” сув иншооти бўлиб, суткасига 1,5 миллион куб метр атрофида сув билан таъминлайди. Бундан ташқари, яна 6 та иншоот пойтахтга



сув етказиб беради. Айни пайтда шаҳар аҳо-лиснинг ичимлик сув билан таъминланган-лик даражаси 98 фоиз. Сабаби кейинги йил-ларда янги қўшилган маҳаллалар ҳисобига бу кўрсаткич 100 фоизга етган эмас. Аммо янги манзилларга ҳам мунтазам ичимлик сув тар-моқлари тортилмоқда.

Одатда сувни яроқли ҳолга келтириш учун сезиларли маблаг сарфланади. Бу нафа-қат тозаловчи кимёвий воситалар, балки за-монавий техникалар, уларнинг ишлаши учун зарур электр энергияси сарф-харажати билан боғлиқ. Мамлакатимизда йиллар давомида сув нархи қарийб текин бўлгани, ишлаб чи-кариш харажатини қопламагани, соҳага етарли-



ча эътибор қаратилмагани боис, ичимлик сув етказиб беришда кўп муаммолар кузатилган. Яқин йилларгача соҳадagi молиявий қийин-чилик оёғимизни боғлаб қолган. Сувни қайта ишлаш билан сотиш нархи номуъаносиблиги аксарият лойиҳаларимиз кечиктишга сабаб бўлди. Битта мисол: бундан 3 йил олдин бир куб метр сувни қайта ишлаш нархи 620, сотиш баҳоси 400 сўм эди. Уртадаги таф-вут кўп муаммоларни келтириб чиқарганини соҳа вакиллари яхши билиди.

Ана шу ҳолатлар таҳлил қилиниб, қола-верса, сув нархи ниҳоятда арзонлиги аҳоли томонидан сезиларли даражада исроф қи-линишига олиб келаётгани аққол кўринган, ичимлик сув нархи оширилди. Бу аҳоли учун жазо ёки тартибга қажириб воситаси эмас, дунёда қиймати тобора ошиб бораётган неъматни қадрлашимиз заруратга айлангани билан ҳам боғлиқ. Афсуски, бизда эколог-ик маданият ҳамён билан боғлиқ бўлганда яхшироқ шаклланади. Қанча гапирмайлик, нарх-наво кўтарилгач, исталганча исроф қи-лаётган одамлар сувдан ўйлаб фойдаланади-ган, кераксиз вақтда жўмракни ўчириб қўйди-ган, бундан исталганча фойдаланишга ҳам чекловлар йўқ. Фақат шунга яраша тўлов қилиниши керак. Умуман, жаҳон амалиётида ҳам, бозор иқтисодиётида ҳам шундай.

Ҳозир ичимлик сув нархи энг арзон ҳу-дудлардан бири — Тошкент шаҳри. Шаҳарга

Сув ва ҳаёт

Хонадонимиздаги жўмракдан оқаётган сувдан турли мақсадда фойдаланамиз. Аммо уни шу ҳолатда истеъмол қилишга келганда ўйлаиб қоламиз. Сифати биз истагандек эмас, назаримизда. Хатто жўмракка филтър ўрнатиб қўямиз, сувни тозалайди деган ўйдаимиз. Шундай фикрлар, айниқса, Тошкент шаҳри аҳолисида кўпроқ учрайди. Бироқ мутахассислар доим бунинг аксини таъкидлайди. Шаҳар аҳолисига бериладиган сув бир неча босқичда тозаланиб, ичишга тўла яроқли ҳолда етказилишини айтади.

Экологик маданият ва ОБИҲАЁТГА МУНОСАБАТ

ИЧИМЛИК ҲАМДА ОҚОВА СУВ МУАММОЛАРИ БОРАСИДАГИ ЭЪТИРОЗЛАР ЎРИНЛИМИ?

сув ўз оқими билан кириб келгани, электр энергияси кам сарфлангани боис, бошқа ҳудудларга нисбатан нарх пастрок. Сув ет-казиб бериш қийинроқ бўлган ҳудудларда эса сарф-харажатга қараб нарх ошиб бора-веради. Биз ичимлик сув таъминотида ҳам бозор иқтисодиётига ўтдик. Демак, шунга яраша хизмат кўрсатиш сифати ҳам ошиб борапти. “Ўзсувтаъминот” АЖ корхонаси фаолияти беш йил олдин йўлга қўйилган бўлса, унгача бу тизим тароққ ҳолда иш-лаган. Янгиланишлар, ислохотлар деярли бўлмаган. Кейинги йилларда тармоқ тубдан янгиланди, амалиётга замонавий техника ва технологиялар кириб келяпти.

Тошкент шаҳрида 4000 километрга яқин ичимлик сув тармоғи бўлса, шунинг 50 фо-изи эскирган. Тўғри, йирик тармоқлар ҳали фойдаланишга яроқли, аммо босқичма-бос-қич ҳаммасини янгилаш ҳаракатидамиз. Ҳар йили 30-40 километр сув тармоғи янгиланя-пти. Бу кўп вақт ва катта маблаг талаб қил-гани боис, бирдан амалга оширишнинг имкони йўқ. Техноложик, молиявий, ишчи кучи жи-ҳатидан ҳам бу имконсиз. Шу боис, кўпроқ маҳаллалардаги майда қуворларни янгилая-миз. Сув тармоқларини замон талабларига мослаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, ҳамкорликда лойи-

ҳаракатимиз сув исроф бўлишининг олдини олишга қаратилган.

— Тошкентда оқова сув тармоғи муам-моси энг долзарб масалалардан. Шаҳар аҳолиси шу сабаб юзага келадиган ноқу-лайликлар, ёқимсиз ҳид, айниқса, ёмғир мавсумида кўчаларга сув тошиши бораси-да тез-тез эътироз билдириб туради. Ваҳо-ланки, бу экологик хавфсизлик жиҳатидан ҳам жиддий масала. Хўш, пойтахтда кана-лизация тизимидаги ишлар қанчалик талабга жавоб беради?

— Ҳақиқатан, бу Тошкент шаҳридаги энг оғриқли масалалардан бири. Нима учун? Чунки одамлар канализация тармоғини “чи-қинди қутиси”га айлантириб олган. Аслида, у оқова сувни тозалашга мўлжалланган. Аммо охириги йилларда унга саноат чиқиндилари,

мо бор — маиший ва саноат чиқиндиларини тозалаш.

Афсуски, кўпчилик дуч келган нарсани канализация тармоғига ташлашга одатланиб қолган. Айниқса, кўп қаватли уйларда сани-тария-гигиена воситалари, болалар тагликла-рини оқова сувга оқизиб юбориш ҳолатлари ниҳоятда кўп. Энг ёмони, бундай воситалар йўқ бўлиб кетмайди, аксинча, сувда шишиб, канализация тармоғида тикин ҳосил қилади. Натижада хонадоннинг ўзида ёки кўчада сув тошқини юзага келади. Ҳатто озиқ-овқат маҳ-сулотларини канализацияга ташлайдиганлар борлигини қўриб, ёқа ушлайсиз. Бу тўқилка шўхлик, қўполроқ қилиб айтганда, экологик маданият йўқлигидан далолат.

Саноат чиқиндилари ҳам худди шундай. Масалан, ишлаб чиқариш корхоналаридан

“Сув тежамкорлигида ақлли қурилманинг аҳамияти катта. Масалан, хонадондаги қуворлар носозлиги сабаб доимий оқаётган сув ҳақида уй эгасига хабар юборилиб, огоҳлантирилади. Тизим ташкилотларининг ҳам электрон тизим орқали хабардорлиги ўз вақтида чора қўришга сабаб бўлади. Хизмат кўрсатиш сифати ошади.

йирик ҳажмдаги чиқиндилар муттасил таш-ланиши оқибатида бу тармоқ “махсустрас” вазифасини бажарипти.

Тошкент шаҳрида биринчи канализация тармоқлари 1938 йилда тортилган. Ўша тар-моқлар яқингача бор эди. Лекин кейинги йилларда тизимни янгилаш ва хизмат кўра-тиш сифатини ошириш бўйича ишлар жадал бажарилляпти. Айни пайтда шаҳарнинг кана-

чиқадиган ранг, кимёвий воситалар канализа-ция тармоғига ташланади. Ақсига олиб, биз-да уларни тозалаш имкони йўқ. Одатда, оқова сув биологик усулда тозаланади. Сувни тин-дирилиб, зарарсизлантиради. Қуйқаси ажра-тиб олиниб, кейин табиатга йўналтирилади. Ана шу оқова сув ичидаги биз ажратиб оло-маган ранг, кимёвий воситалар яна табиатга қайтиб чиқиб кетади. Истасак-истамасак,



лизация тармоқлари билан таъминланганлик даражаси 94 фоиз бўлиб, ҳудудлар бўйича бу энг юқори кўрсаткич. Яқин йилларда уни 95-96 фоизга етказиб режалаштирилган. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрига қўшилган ҳу-дудларни ҳам оқова сув тармоқлари билан таъминлаш ишлари фаол давом эттириляпти.

Умуман, оқова сув хизматлари кўрсатиш-нинг техник ва технологик сифатини яхши-лаш бўйича қатор лойиҳалар амалга оши-риляпти. Аммо бизни энг кўп қийнаётган масалалардан бири — чиқинди муаммоси. Биргина мисол: Тошкент шаҳридан иншоот-ларимизга бир суткада 1,5 миллион кубдан ортиқроқ канализация суви чиқарилади. Шу билан бирга, канализация иншоотларининг ҳар биридан 2 тоннагача йирик чиқинди олиб чиқиб кетилади. Оқова сувни тозалаш ин-шоотларининг учаласида ҳам бир хил муам-

ўсимликлар, ҳайвонлар, умуман, экологияга салбий таъсир кўрсатади. Ҳозирча оқова су-ви замонавий усулда тозалаш технологияси қўлланмаслиги боис, сув фақат қишлоқ хў-жалигида ишлатишга яроқли ҳолга келтириб берилади. Аксарият давлатларда шу амалиёт қўлланади.

— Аҳоли орасида оқова сув тозаланиб, одамларга ичимлик сув сифатида қайта берилади деган гаплар ҳам юради. Бу қан-чалик ўринли?

— Дунёда ичимлик сув муаммоси долзарб бўлиб бораётган шароитда бу савол одам-ларни кўпроқ қизиқтириши табиий. Аммо бундай эмас. Юртимизда оқова сув ичимлик сув сифатида қайта берилмайди. Тошкент шаҳрида аҳолига бир суткада 2 миллион куб метр атрофида сув берилса, шундан қарийб 80 фоизи канализация суви орқали қайта

олиб чиқиб кетилади. Сўнг канализация ин-шоотларида биологик усулда қайта ишланиб, табиатга йўналтирилади ва асосан қишлоқ хўжалигида фойдаланилади.

Сиз айтган ҳолат бир нечта давлат таж-рибасида борлиги рост. Яъни баъзи мамла-катларда оқова сув қайта ишланиб, аҳолига берилади. Аммо у ҳам техник сув бўлиб, исте-смом эмас, балки ҳожатхона ва бошқа эҳ-тиёжлар учун ишлатилади.

Бизда эса, биринчидан, канализация су-вини қайта ишлаб, истеъмолга бериш учун зарурат йўқ. Иккинчидан, канализация суви қайта ишланиб, ичимлик сув сифатида бе-рилса, нархи рамзий маънода тиллога тенг бўлади. Чунки яқинда Германияда бир тад-қиқотда канализация сувини ичимлик сув да-ражасигача олиб чиқиш учун 12 та тозалаш босқичи ўтказилди. Бунда сувнинг таннархи жуда ошиб кетади.

— Маълумотларга кўра, ўтган йил ўр-таларидан бошлаб юртимизда сув ҳисоби-ни юритиш бўйича хонадонларга ақлли ҳисоблагичлар ўрнатилиши керак эди. Аммо ишлар деярли бир йилга кечикди. Ҳозир жараён қайси босқичда?

Ташкилий масалалар туфайли ишлар бир йилга қўзилди. Ниҳоят шу йил августидан ақлли ҳисоблагичларни ўрнатиш жараё-ни бошланди. Йил охиригача 50 мингга ақ-ли ҳисоблагич ўрнатилиши назарда тутилган. Яқин беш йилда мамлакатимиз аҳолиси тў-лиқ ушбу қурилма билан таъминланади.

Ақлли ҳисоблагич қурилмаси ҳам, ўр-натиб бериш ҳам мутлақо бепул. Ундан фойдаланиш эса аҳоли ва таъминотчи кор-хона учун қатор афзалликлар беради. Янги ҳисоблагич ўрнатилса, истеъмолчиларнинг ҳар ойда биллинг тизимига ҳисоблагич кўрсаткичини бериши талаб этилмайди. Бу маълумотлар автоматик тарзда узатилади. Бундан ташқари, хонадонда сарфланаётган сув ҳажми билан боғлиқ носозликлар бўлса ҳам биллинг тизимига дарҳол хабар бери-лади.

Ақлли қурилма сув сарфи билан боғ-лиқ барча жараёни назорат қилади. Инсон омилисиз ишлаши шаффофлики таъмин-лаб, турли ноқонуний ҳаракатлар, катта қарз-дорликлар юзага келишининг олдини олади. Тўловлар борасидаги тушунмовчиликлар, норозиликлар бартараф этилади. Қолаверса, электрон тизим орқали маълумотлар базаси шакллантирилиб, сув истеъмоли билан боғ-лиқ жараён таҳлил қилиб борилади.

Сув тежамкорлигида ақлли қурилманинг аҳамияти катта. Масалан, хонадондаги қу-ворлар носозлиги сабаб доимий оқаётган сув ҳақида уй эгасига хабар юборилиб, огоҳ-лантирилади. Тизим ташкилотларининг ҳам электрон тизим орқали хабардорлиги ўз вақ-тида чора қўришга сабаб бўлади. Хизмат кўр-сатиш сифати ошади.

Бугун пойтахтдаги ташқари шаҳарга ён-дош Тошкент вилояти ҳудудида бизнинг тар-моқларидан тортилган сув қуворларига ҳам ақлли ҳисоблагичлар ўрнатиляпти. Улар сув мувозанатини тўғри шакллантириш, йўқо-тишларнинг олдини олишга хизмат қилади. Жараёндаги ишлар, барча ҳисоб-китобларни эса сув таъминоти корхонаси ҳам, аҳоли ҳам махсус платформалар орқали бевосита куза-тиб бориши мумкин.

— Жорий йил июлда Ўзбекистон Рес-публикаси Сув кодекси қабул қилинди. Бу ҳам аҳолининг истеъмолдаги жавобгарли-гини кучайтиришга қаратилган чорам? Унга буюнган нима-лар ўзгартипти?

— Шубҳасиз, Сув кодекси қабул қилин-гани ичимлик сув билан боғлиқ вазият жид-дийлашмоқда деганидир. Яъни биз хўжа-сизларча фойдаланиб келаётган сув неъмат захираси тугаб бораётганига энди юзак қарай олмаслигимизни англайди. Вазият шу даражага етиб келди: соҳани ислоҳ қил-масак, қатъий чоралар кўрмасак ёки меъё-р-ни янада мустаҳкамламасак, бундан-да ва-ҳимали муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Сув кодекси қабул қилиниши мана шу ма-салаларни ечишга қаратилган. Унда кўйлаб меъёрлар белгиланган бўлиб, сувни исроф қилмаслик ва бу борада чоралар қўриш кўз-да тутилган.


Шу кунгача ҳам сувни асраб-авайлаш бў-йича қатор меъёрлар бор эди. Аммо уларнинг кўпи бугунги талабларга тўғри келмайди. Қо-лаверса, сув тўлиб-тошиб турган вақтларда бу меъёрларга ҳеч ким амал қилмаган. Ҳозир эса ҳар томчи сувни қадрлашимиз керак. Бу олдимизга нормаларни ўзгартириш, янада қатъийлаштириш вазифасини қўйди.

Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ер ости суви қарийб 20 метрдан 30 метргача тушиб кетгани муаммонинг қанчалик чуқур илдиз отаётганидан дарак. Соҳага замона-вий технологиялар кенг жорий этилаётгани боиси шунда. Қолаверса, ҳар биримиз кун-далик сув сарфини минимал даражага туши-ришимиз зарур. Бу эҳтиёжни қондирмаслик керак дегани эмас. Шунчаки эҳтиёжimizдан ортинги исроф қилмаслигимиз лозим. Ма-салан, 1 куб метр сув билан сугориладиган ерга тонналаб сув сарфламаслик оддий қон-дага айланиши даркор. Сув кодекси айни шу масала — сувнинг ҳар томчисини асраб-авайлашни назарда тутайди.

Кўпчилик тежамкорликка бефарқ қа-райди, оддий гапдек қабул қилади. Ваҳо-ланки, замонавий технологиялар ҳисобига тежамкорлиқни бир неча баробар ошириш мумкинлиги амалиётда ўз исботини топяпти. Масалан, бундан 4-5 йил олдин Тошкент шаҳ-ри аҳолисига суткасига 2 миллион 400 куб метр атрофида сув берилган бўлса, бугун бу кўрсаткич 300 минг кубгача камайган. Аҳо-ли сони эса ортияпти, саноат корхоналари ва ижтимоий соҳа объектлари қўлайпти, лекин сув берилиши камайиб борапти. Бу тежамкор технологияларни қўллаш натижаси.

Бугун сув муаммолари борлиги аниқ экан, обихаётта муносабатимизни ҳам ўзгартири-шимиз, экологик маданиятни оширишимиз керак. Кодекс қабул қилинди, лекин унга амал қилиш — асосий масала. Бу борада ҳар бир юртдошимиз дахлдорлиқни ҳис қилиши лозим.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Ирода ТОШМАТОВА
сўхбатлашди.





Кўнгиллилик ҳаракати

Бизга бегона эмас



рахбари Ширин Обидова. — Айрим ҳолларда давлат индивидиал ёндаша олмаслиги мумкин. Шундай пайтларда волонтерлар, яъни ташаббускор халқ вакиллари давлат учун яқин кўмакчига айлана олади. Бунга яққол мисол қилиб бутун дунёни қамраб олган пандемия даврини эслаш кифоя. Кўнгиллилар халқимизга синови дамлалдан ўтиб олишга ёрдам берди. Волонтерлик давлат, бизнес ҳамда жамоатчилик секторини эзгулик йўлида бирлаштирувчи ижтимоий шерикчиликнинг кўприги сифатида ўзини кўрсатди.

кўнгиллилик истагидаги инсонларга ушбу тизимнинг қонун-қоидаларини ўргатади. Волонтерлар мактабида ўқитилган юздан ортиқ ментор ўз ихтиёри билан минглаб инсонларга кўнгиллилик ҳаракати ҳақида маълумот берапти.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Халқимизда кўнгиллилик (волонтерлик) маданияти азал-азалдан ривожланган. Уй қуриш, ариқ қазиш, йўл ёки боғ-роғларни тозалаш, дарахт экишда бир тану бир жон бўлиб хизмат қилиш, ҳашарда елка тутиб маҳалладошларига кўмак бериш гўзал қадриятлардан саналади. Бу эзгу амал янгича шакл ва мазмун касб этиб, бугунги кунда волонтерлар ҳаракати билан уйғун бўлиб бормоқда.

Ташаббускор халқ вакиллари

“Волонтер” французча “volontaire” сўзидан олинган бўлиб, “ихтиёрий”, “ўз хоҳишига кўра иш қилувчи” маъноларини англатади. Бугунги кунда кўнгиллилар ҳаракати бутун дунёда хайрли мақсадларни амалга оширувчи тузилма сифатида шаклланган ва ривожланиб келмоқда. Ҳозир дунё бўйича

волонтерлар сони 1 миллиарддан ортиқ. Уларнинг тахминан 70 фоизи норасмий равишда кўнгилли бўлиб одамларга бевосита ёрдам беради, 30 фоизи эса расмий ташкилотлар орқали турли тадбирларда иштирок этади. Ўзбекистонда 100 мингдан ортиқ кўнгилли ўз хоҳиши билан хайрли ишларга бош қўшапти. 2030 йилга қадар уларнинг сонини 2 миллионга етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, ижтимоий, таълим ва ривожланиш, инклюзив, атроф-муҳит ва экологик лойиҳалар, рақамли ва медиа, онлайн волонтерлик кўлами кенгайиб боради. Ҳаракатнинг асосий миссияси жамиятдаги ижтимоий кескинлашни камайтириш, инсонлар ҳаётини яхшилаш ва энг муҳим муаммоларга ечим топилишига кўмаклашидир.

2019 йил 2 декабрдаги “Волонтерлик фаолияти тўғрисида”ги қонун бу борадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзгалар тақдирига бефарқ бўлмаган, ҳар қандай ҳолда ҳам ёрдамга шай инсонларни бирлаштириш, уларни яхшиликка йўналтириш жамиятда меҳр-оқибат муҳитини яратди, маънавий қийматларга асосланган муносабатларни кучайтиради. Ўзбекистон волонтерлар ассоциацияси фаолияти ана шу эзгу амални ўзида ифода этмоқда.

— Ҳеч қайси жамият қутулмаган вазиятлардан ҳимояланмаган, — дейди ассоциация

Айни пайтда юртимизда 160 дан ортиқ волонтерлик гуруҳи 26 та йўналишда фаолият юритади. Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя, маданият, спорт, экология, соғлиқни

“

Бир-бирига ёрдам бериш маданияти одамларда меҳр-шафқат, масъулият, ҳамжиҳатлик каби инсоний фазилатларни камол топтиради.

”



O'ZBEKISTON VOLONTYORLARI ASSOSIATSIYASI

Яхшиликка йўғирилган қадрият

Ўзбек халқи эътиборга, ёрдамга муҳтож инсонларга бефарқ қарай олмайди. Алоҳида эътибор талаб этиладиган юртдошларимизга беминнат ёрдам қўлини узатиш, яхшилик илмини, буни холис бажариш истагидаги инсонлар кўплиги қувонарли. Бугун ана шу хайрли мақсадга олганган, ижтимоий лойиҳаларда фаол иштирок этаётган кўнгиллилар сони 11 мингдан ортган. Ҳозиргача улар кам таъминланган, бошпанасиз, бемор, ногиронлиги бўлган 50 мингдан ортиқ шахс, ёши катта отахон-онахонларга кўмак кўрсатди.

Бу ҳаракат тинчлик ва эзгулик йўлида барчани бирлаштиради, одамлар ўртасида меҳр ва ишонч кўприги барпо этилади. Ҳаракат билан ҳар бир хонадон, маҳаллада яхшиликка йўғирилган қадриятлар янада бўй кўрсатади. Инсонни ўз уйи, маҳалласи, қолаверса, дунё микёсида эзгу ишларга ундайди. Кўнгиллиларнинг бир-бирига меҳри ошди, дўстлик риштаси мустаҳкамланади. Волонтерликда ёшнинг аҳамияти йўқ, эзгу майдонда барчанинг расман бирлашиши жамиятда ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлайди.

“Биз биргамиз!”

Бутун дунёда кўнгиллиларга эҳтиёж кундан кунга ортиб бормоқда. Ҳар бир жабаҳда, ҳар бир йўналишда волонтерларнинг беминнат хизматига талаб сезилапти. Соҳа ривожланипти. Бу эса, ўз навбатида, халқаро тажрибани ўрганиш, энг илғор усуллارни татбиқ этиш, биргаликда ривожланиш заруратини юзага келтиради.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган “Биз биргамиз!” халқаро кўнгиллилар фестивали ана шу хайрли мақсадни ўзида мужассам этди. Фестиваль Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги кўмагида, Ўзбекистон волонтерлар ассоциацияси ҳамда МДҲга аъзо давлатларнинг гуманитар ҳамкорлик бўйича давлатларaro жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилди.

Бир-бирига ёрдам бериш маданияти одамларда меҳр-шафқат, масъулият, ҳамжиҳатлик каби инсоний фазилатларни камол топтиради. Кўнгиллилар одамларни бирлаштиради, бу фуқаролик жамияти ривожига туртки беради. Ҳаракат давлат ва маҳаллий ҳокимият билан биргаликда кўп ижобий ўзгаришлар қилиши мумкин. Янгиланишлардан одамларнинг руҳи кўтарилади, бир-бирига ишончи ортади, мушқули арийди. Ўша ҳудудда тинчлик, барқарорлик мустаҳкамланади.

Волонтерлар бажарган хизматлар жамият учун катта маблағни тежайди. Давлатга тушадиган иқтисодий юкни енгилаштиради. Ёшларда ижтимоий вазифаларни ҳал этишда жамиятга кўмаклашиш, ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда кўнгиллилик ҳаракатининг ўрни бекиёс.



Бугуннинг гапи

Бош қомусимиз эртанги кунга ишончимиз асосидир

Биз бахтли замонда яшаётган, ўзини энг омадли ҳис қиладиган инсонларданмиз. Кўз тегмасин, юртимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонлик ҳукмрон. Мамлакатимизнинг жадал ривожланаётган давлатлар сафидан ўрин олаётгани, номи бутун жаҳонда улуғланаётгани қалбимизда бекиёс гурур туйғусини уйғотади.



Конституциямизнинг ҳар бир моддаси ҳаётимизда нечоғлиқ муҳим ўрин тутаётганини тушуниш учун олий маълумотли ёки ўқимишли бўлиш шарт эмас. Оддий одамлар ҳам ўз ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ва янгиланишлар мисолида ушбу халқчил, ҳаётбахш ҳужжатнинг моҳиятини биздан-да яхшироқ англамоқда.

Ҳозир 67 ёшдаман. Тасвирий санъатнинг рангтаъсир ва графика йўналишларида 52 йилдан буён фаолият юритиб, ёшларга амалий ва назарий билим бериб келяпман. Мен каби ёши улуг ижодкорларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, меҳнатимизнинг қадрланиши, қонуний манфаатларимизнинг ҳимоя қилиниши, қолаверса, фаолиятимиз ва ижодимизга қаратилаётган юксак эътибор ҳамда эътироф — буларнинг барчаси Конституциямизда назарда тутилган муҳим мезонлардан биридир.

Мустақиллигимизнинг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми” фахрий унвони билан тақдирланганимни катта мамнуният ила тилга олам. Бундан аввал ҳам камтарона хизматларим давлатимиз томонидан муносиб баҳолашиб, “Шуҳрат” медали, Ўзбекистон Бадий академиясининг олтин ва кумуш медаллари билан мукофотланган эдим. 2016 йилда эса “Қорақалпоқ халқ рассоми” фахрий унвонини олишга муяссар бўлдим. 2018 йилда Ўзбекистон

Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси — академик этиб сайландим.

Ҳаётини тасвирий санъатга бағишлаган ижодкор сифатида ишонч билан айта оламки, Бош қонунимизда белгиланган тамойиллар ҳар бир соҳа вакилининг ҳуқуқлари таъминланиши, шахсий юксалиши, ҳаётда муносиб ўрнини топиши ва эртанги кунга ишонч билан яшаш учун мустаҳкам замин яратади.

Жорий йил 1 июлда Президентимиз томонидан имзоланган “Тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантиришга

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарор эса соҳани фақат моддий қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолмай, уни таълим, инфратузилма, маркетинг, тадқиқот ва экспорт каби йўналишлар билан уйғунлаштирган ҳолда комплекс ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Маъзур қарор билан ижодий таълим муассасаларига эътиборнинг кучайтирилиши келажакда етишиб чиқадиغان миллий рассомлар, дизайнерлар ва санъат арбоблари учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Сарсенбой БАЙБОСИНОВ,
Ж. Изентаев номидаги
Қорақалпоғистон Республикаси
ихтисослаштирилган
санъат мактаб-интернати
ўқитувчиси,
Ўзбекистон халқ рассоми



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.